

**Бўка тумани Ободонлаштириш Бошқармаси буюртмачи бўлган 2022 йилда ўтказилиши  
режалаштириладиган йўллари таъмирлаш объектлари бўйича энг яхши таклифларни  
танлаб олиш савдоларини ўтказишга тайёргарлик кўриш юзасидан энг яхши  
таклифларни танлаб олиш комиссиясининг  
РЕГЛАМЕНТИ.**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ўзбекистон Республикаси 22.04.2021 йилдаги 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда 26.05.2018 йилдаги №3016-сонли қарор билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаб олиш савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида комиссиянинг олиб борадиган иш тартиби, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси давлат буюртмачисининг тегишли қарори билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган доимий фаолият кўрсатувчи орган хисобланади.

1.3 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзоларининг сони 5 кишидан иборат бўлиб, комиссияси аъзоларининг сони тоқ сондан иборат бўлиб, Тошкент вилояти Бўка тумани Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи хизматининг 2022 йил 07-апрелдаги №36-и/ч сонли буйруғи билан тасдиқланган.

1.4 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифларни танлаб олиш савдоларида ғолибни танлаш ваколатига эга бўлган, коллегиял орган хисобланади.

1.5 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг асосий мақсади, Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларининг таклифларини буюртмага (энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети) мос келиши даражаси тартибига кўра объектив баҳо бериб, рақобат муҳитида давлат Энг яхши таклифларни танлаб олишларни амалга оширишдан иборат.

1.6 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссия аъзолари, Энг яхши таклифларни танлаб олиш жараёнида ғолибини аниқлашда тарафкашлик ҳамда манфаатдорликка йул қўймасликлари лозим.

1.7 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг ишини комиссия раиси бошқаради. Комиссия раиси, комиссия йиғилишини ташкил қилади ва ўтказди, овозга қуяди ва комиссия қарорини эълон қилади. Комиссия раиси қатнашмаган ҳолда, комиссия раисининг ўринбосари унинг вазифаларини бажаради.

1.8 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиянинг ташкилий ишларини комиссиянинг масъул котиби ташкил қилади.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ  
ФАОЛИЯТИ**

Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси куйидаги иш фаолиятларни бажаради:

Фаолияти буйича регламентни белгилайди;

Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида миқдори белгиланган шартларга кўра, энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолати шаклини тасдиқлайди;

Оферталарни қабул қилишнинг сўнги куни ва вақтини белгилайди.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш савдолари жараёнини белгиланган тартибда расмийлаштиради;

Мустақил экспертларни жалб қилиш лозимлиги ҳақида хулоса чиқаради ёки комиссия аъзоларидан баҳолаш гуруҳини ташкил этади;

Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига асосан оферталарни ўрганади ва баҳолайди. Ҳолибни аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

Энг яхши таклифларни танлаб олиш жараёнида келиб чиққан низо ва келишмовчиликларни ўрганиб чиқиб, тегишли хулоса чиқаради.

### **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

2.1 Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг биринчи йиғилиши энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларини ишлаб чиқариш жараёнида ўтказилади ва комиссия томонидан қуйидагилар кўриб чиқилади ва келишилади:

- а) энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари;
- б) таклифларни қабул қилиш муддати белгилаш;
- в) баҳолаш мезонларини белгилаш ;
- г) энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмаси таъминлаш кафолатини киритиш тартиби ва шаклини белгилайди;
- д) Энг яхши таклифларни танлаб олиш савдолари иштирокчиларининг таклифларини очиш;
- з) ҳолибни аниқлаш ёки энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтмаганлигини белгилаш.

2.2. Техник баҳолаш мезонлари объектнинг лойиха суммасига нисбатан белгинади.

*Изоҳ: энг яхши таклифларни танлаб олишга қўйилган объектнинг бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 баробаригача бўлган объектлар учун, №1-1 жадвал.*

2.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида бирор-бир талабгорга устунлик берувчи баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмас.

2.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг биринчи йиғилишида комиссиянинг иш тартибини белгилловчи регламент тасдиқланади, энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари келишилади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида карама-қаршилик ҳолатлари бўлса, қайта ишлаб чиқилади.

2.5. Ваколатли орган энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг йиғинида кузатувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, қарор чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

### **3. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ КОМИССИЯСИ ҲУҚУҚЛАРИ**

3.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг малакасини тасдиқловчи исталган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир

3.2. Қуйидаги ҳолатларда энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ўз қарори билан иштирокчини кейинги босқичда қатнашишдан четлатишга ҳақлидир :

- ҳужжатлар тўпламида Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талаблари, энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талаблари ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилгани аниқланганда;

- Агар лицензия мавжуд бўлмаса, ТАЖда лицензия талаб қилинган бўлса;

- агар иштирокчилар қайта ташкил этиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлса (мулкга таъқиқ белгиланган бўлса);

- агар иштирокчилар акциядорлик, молиявий қатнашиш, холдинг ва бошқа шакллар тўғрисидаги актлар кўринишида бир-бирига бевосита ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқлик бўлса.

3.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисидан энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларининг таркиби буйича тушунтиришлар олиш ҳуқуқига эга. Бунда энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг мазмунини, шу жумладан нарх ёки қурилиш муддатини ўзгартиришга олиб келадиган тушунтиришларга йўл қўйилмайди.

**3.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан қуйидаги ҳолатларда энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилмаган деб қарор қилади:**

а) Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган вақтгача битта ҳам таклиф келиб тушмаса;

б) Энг яхши таклифларни танлаб олишда ёки энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок етиш учун иккидан кам таклиф тушган бўлса;

в) Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича барча таклифларни рад етса ёки фақат битта таклиф энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларининг талабларига жавоб берса.

**Изоҳлар:**

Агар энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини қабул қилиш муддати тугашига қадар иккитадан кам таклиф тушган бўлса, энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилмаган деб эълон қилинади ва энг яхши таклифларни танлаб олиш тўғрисида қайта эълон берилади.

**3.5. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилмаган деб эълон қилган тақдирда мулкӣ ёки бошқа ҳуқуқӣ жихатдан жавобгар бўлмади.**

**3.6. Агар комиссия аъзоларининг бирорта иштирокчилар билан боғлиқлик хусусияти мавжуд бўлса, энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг бундай аъзоси баённомада қайд этилади ва ушбу комиссия аъзоси овоз беришда ўз-ўзини рад этиши ва овоз беришда қатнашмаслиги лозим.**

Агар овозга қуйишдан аввал, энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзолардан бирининг иштирокчи билан боғлиқлик хусусияти борлиги ҳақида хабар топса, лекин ушбу комиссия аъзоси бу ҳақида комиссияни хабардор қилмаган бўлса, бундай аъзо ушбу масала бўйича овоз беришдан чиқарилади.

Агар энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси қарор қабул қилинганидан кейин тегишли масала бўйича овоз берган комиссия аъзосининг иштирокчи билан боғлиқлик хусусияти борлиги тўғрисида хабардор бўлса, аъзонинг овози ушбу масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

**3.7. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг ишини комиссия раиси бошқаради. Комиссия раиси, комиссия йиғилишини ташкил қилади ва ўтказди, овозга қуяди ва комиссия қарорини эълон қилади. Комиссия раиси қатнашмаган ҳолда, комиссия раисининг ўринбосари унинг вазифаларини бажаради.**

**3.8. Комиссиянинг тезкор фаолияти комиссия аъзоси бўлмаган ва комиссия қарорида овоз бериш ҳуқуқига ега бўлмаган унинг масъул котиби томонидан ташкил этилади.**

**3.9. Энг яхши таклифларни танлаб олиш энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг иш тартиби бўйича меъерий-ҳуқуқӣ асослар ўзгарганда, ушбу Регламентга энг яхши таклифларни танлаб олиш/энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.**

#### **4. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ КОМИССИЯСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**4.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси қуйидагиларга жавобгардир:**

пудратчини аниқлаш тартиб-қоидаларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, унинг қарорларининг асослилиги ва ҳолислиги бўйича;

кворумсиз, кам миқдордаги овоз билан ёки энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмаган ҳолда савдо босқичларини ўтказиш, энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари томонидан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни асоссиз тақдим етишни талаб қилиш;

энг яхши таклифларни танлаб олиш қатнашчиларининг интеллектуал мулки ёки тижорат сирини дахлсизлиги ҳуқуқларининг бузилиши;

энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида кўзда тутилмаган малака маълумотларини савдо иштирокчиларидан тақдим этишларини талаб қилиш;

энг яхши таклифларни танлаб олиш қатнашчиларини энг яхши таклифларни танлаб олиш/энг яхши таклифларни танлаб олиш савдоларида қатнашишдан асоссиз четлатиш;

энг яхши таклифларни танлаб олишнинг таклифининг мазмунини ўзгартирадиган аниқликлар ва тузатишлар, шу жумладан нарх ёки муддат ўзгаришини тан олиш;

энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси йиғилишида энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси таклифининг таркибига берилган Тузатишни асоссиз равишда қабул қилиш;

сирли бўлган процессуал масалаларни очик муҳокама қилиш ва кўриб чиқиш, махфий маълумотларни ошкор қилиш, савдо иштирокчилари, ўзлари ёки жалб қилинган экспертлар билан тил бириктириш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун;

Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг очик йиғилишида энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибини аниқлаш, энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби деб ёълон қилиш тартибининг бузилиши;

#### **Энг яхши таклифларни танлаб олиш савдоларига қатнашишга:**

-акциядорлик, молиявий қатнашиш, холдинг ва бошқа шакллар кўринишидаги бири-бирига бевосита ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларга;

4.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

### **7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

Ушбу Регламент энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларининг ажралмас қисми бўлиб, у энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва бююртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

**Илова 1**

### **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ**

*№1-1 Жадвал.*

*Бошланғич баҳоси 6000 БҲМгача бўлган объектлар бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини техник баҳолаш мезонлари*

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдор и	Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари		
<b>I. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.</b>					
<b>1-шакл (20 балл)</b>					
1.	Иш стажи 7 йилдан кам бўлмаган олий малумотга эга мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	5			
2.	10 йил иш стажига эга дипломга эга 2 кишидан иборат муҳандис ходимларни мавжудлиги. (Бош муҳандис ва муҳандис)	5			
3.	5 йил иш стажига эга дипломли 4 та архитекторларни мавжудлиги.	5			
4.	Ходимларнинг йиллик уртача сони 15 (камида)	5			
5.	5 йил иш стажига меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги	5			

<b>II. Энг яхши таклифларни танлаб олишдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси*.</b> <b>(25балл)</b>				
1.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги 3-йили (3-йили мажбурий) ўз кучи хамда ўз вақтида* бажариш.	25		
<b>III. Машина ва механизмлар рўйхати**, (20 балл)</b>				
1.	<b>Лойиҳани бажариш учун</b> зарур бўлган 4 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 7 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) машина мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 50% камайтиради) 1. Енгил автомобил 4 та 10-балл 2. Компютер Принтер ва Ноутбуклар 30 та 5-балл 3. Теодалит 1 та 5-балл 4. Шогомер 3 та. Нивиллер 2 та. Электрон рулетка 3та 5-балл	25		
<b>IV. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг Молиявий курсатгичлари хамда Соликлар ва мажбурий туловлврдан қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумот (25 балл)</b>				
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 800 млн сўм	6		
2.	Утган йилги соф фойдаси 500 млн сўм	6		
3.	Муддати ўтган кредитор қарздорлиги йўқлиги	6		
4.	Соликлар ва мажбурий туловлврдан қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумот (Электрон)	7		

**Изохлар:**

\* Объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича шартномавий мажбуриятлари асоссиз бир ойдан икки ойгача кечиктирилганда 50% балл олиб ташланади, икки ойдан уч ойгача – иш тажрибаси баҳоси нолга тенглаштирилади, уч ойдан ва ундан кўпга - энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси таклифини четлаштиришга ҳақли.

**Комиссия раиси:**

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
бош муҳандиси:


 С.Н.Маликов.

**Комиссия аъзолари:**

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Инфратузилма объектларидан фойдаланиш  
бўлими бошлиги:

 А.И.Баратов.

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Техника хавфсизлиги муҳандис:

 Б.Б.Жўраев

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Ободонлаштириш объектларини сақлаш  
бўлими техниги:

 М.А.Тошбоев.

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Кўкаламзорлаштириш ишчиси:

 Д.И.Исмоилова

## Техник топширик:

1. Лойиха смета хужжатларини тайёрлаш учун жойига чикиб ўрганиш керак.

2. Лойиха смета хужжатларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб етказиб бериш керак.

3. Лойиха смета хужжатларини **экспертиза** кўригидан ўтказиб бериш керак.

"TASDIQLAYMAN"  
Xaql deputatlari Bo'ka tuman  
Kengashi raisi  
N.Abbosov



Bo'ka tumani bo'yicha 2022 yilda jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha  
MANZILLI RO'YXAT

№	Tadlif ID raqami	G'olib taklif ma'lumotlari		Amalg oshirishning aniqlangan qiymati	Xaqiqatda ajratilgan*	Moliyalashtirish manbasi (FTJ, qo'shimcha manba, byudjet parametri)	Buyurtmachi tashkilot	Fuqarolar
		To'plagan ovozlar soni	Qisqacha mazmuni					
<b>"Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" da shakllangan mablag'</b>								
1	ID: 1850400001	3 284	Navobot MFY ISTASHON KOCHASI 2000 METR ASFALT	999 999,999	5 699 344	X Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	X Tuman Obodonlashirish boshqarmasi	X Ro'ziyov Gafurov
2	ID: 1850400002	3 124	Katta ravot MFY markazidan Samg'aloynigacha bo'lgan 800 metr, Yangiobod ko'chasi 800 metr Yangi xayot ko'chasi 800 metr Madaniyat ko'chasi 200 metr Nurafshon ko'chasi 500 metr Bog' maxalla ko'chasi 800 metr Chorvador ko'chasi 400 metr qismini asfaltlash	999 999,999	999 999,999	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashirish boshqarmasi	Ibodulla Umarov
3	ID: 1850400003	2 735	Bizning bog'i shamol mahalla yo'larni ASFALT qilib berishingizni so'raymiz. Bog'shamol mahalla ko'chalari 1,8 km ni tashkil qilimadi. (Qo'chqor so'ygan MFY)	900 000,000	900 000,000	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashirish boshqarmasi	Izzatbek Maxmadaliyev
4	ID: 1850400028	2 246	Bo'ka tumani Qo'chqorso'ygan MFY da istiqomat qilib kelayotgan axolini qiyab kelayotgan yo'l muammosi bo'lib ushbu MFY ning yangi turmush ko'chasining 1 km qismini asfalt yoqtirish zarur	400 000,000	400 000,000	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashirish boshqarmasi	Amirqul Ikromov
5	ID: 1850400058	1 638	Qoraquduq MFY Obodlik ko'chasini 2000 METR ASFALT qiltish	999 000,000	999 000,000	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashirish boshqarmasi	Jamol Esirgapov
6	ID: 1850400006	1 532	Bo'ka tumani Do'stlik Yu Chavitsoy MFY ning 150 donadan ziyod eski elaktir simyog'ochlar o'miga beton stolbalarga almashtirish va tungi yoritgichlar bilan jibozlanishi uchun mablag' ajratilishini so'zlayman.	337 500,000	337 500,000	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Hokimligi	Abduvohid Abditolipov
7	ID: 1850400018	1 212	Katta Ravot mahallasi Maktab ko'chasini tamirlab 700 m yo'lga asfaltlashirish	350 000,000	350 000,000	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashirish boshqarmasi	Abbos Xolmatov
8	ID: 1850400033	1 135	Bo'ka tumani Jag'albayli MFY Xo'jaobod ko'chasiga 4 000 metr ichimlik suvi tortish kerak.	800 000,000	712 844,002	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi, 1-chorak daromadlarni o'rtirib boqilgan qismini	Tuman Hokimligi	Diyor Abdullayev
					-87 156,0	X	X	X

Taqsimlanmagan mablag'

Tuman hokimining 1-o'rinbosari

Tuman hokimining o'rinbosari

Maxalla va nuroniylarni qo'llab quvvatlash bo'limi boshlig'i

Tuman hokimligi, Moliya bo'limi mudiri

Tuman Obodonlashirish boshqarmasi v.v.b



Y. Ibroqov  
(F.I.Sh)

X. Ashurov  
(F.I.Sh)

U. Ergashev  
(F.I.Sh)

M. Xaqberdiyev  
(F.I.Sh)

I. Abdurazzoqov  
(F.I.Sh)

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Харид комиссиясининг раиси,**  
**Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси**  
**бошлиғи:**



**И.Ф. Абдуразоқов**

2022 йил

Тошкент вилояти Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидларига тайёргарлик кўриш мақсадида харид комиссиясининг иш тартиби (регламенти)ни қабул қилиш йиғилишининг

**БАЁННОМАСИ**

Бўка туман ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 7-Апрель даги 36 сон буйруғи билан тасдиқланган **харид комиссияси куйидаги таркибда шакллантирилган:**

Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
<b>Харид комиссияси раиси:</b>	
С.Н.Маликов	- Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси Бош муҳандис
<b>Харид комиссияси аъзолари:</b>	
А.И.Баратов	- Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси Инфратузилма объектларидан фойдаланиш бўлими бўлим бошлиғи
Б.Б.Жўраев	- Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси Техника хавфсизлиги муҳандиси
М.А.Тошбоев	- Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси Ободонлаштириш объект ларини сақлаш бўлими - техник
Д.И.Исмоилова	- Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси Кўкаламзорлаштириш ишчиси

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг регламенти кўриб чиқиб тасдиқлаш.

2. 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини муҳокама қилиш ҳамда Энг яхши таклифларни танлаш савдолари қатнашчилари малакасини баҳолаш талабларини келишиш.

3. 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун қафолатланган қафолат қиймати миқдорини аниқлаш.

4. 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича эълонни махсус ахборот портали [xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz) порталига жойлаштириш масаласини муҳокама қилиш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан харид комиссия раиси С.Н.Маликов сўзга чиқиб кворум таъминланганлигини маълум қилиб, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ишини очиқ деб эълон қилди ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди.

**Овозга қўйиш:**

Розилар 5 киши,  
Қаршилар йўқ,  
Бетарафлар йўқ.

Комиссия аъзолари томонидан “бир овоздан” маъқулланди.

Комиссия раиси ўтказиладиган Энг яхши таклифларни танлаш белгиланган тартибда қонуний ўтишини таъминлаш, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мос равишда ташкилотларни танлаш, харид комиссия аъзолари томонидан маъқулладиган ва буюртмачи томонидан



2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига асосан ишлаб чиқиш тўғрисида айтиб ўтди.

Ҳукумат қарорлари ижросини қисқа муддатларда таъминлаш мақсадида лойиҳачи ташкилотини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг тегишли моддаларига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган объектларга бош лойиҳачи ташкилотларини Энг яхши таклифларни танлаш савдолари орқали аниқлаш кўрсатиб ўтилганлиги таъкидлаб ўтди.

Комиссия аъзоларига харидлар комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлаш давомида ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ақс эттирувчи харид комиссиясининг регламенти лойиҳалари тақдим этилди.

Комиссия аъзолари томонидан Харидлар комиссиясининг регламентини кўриб чиқиш натижаларига кўра саволлар ва қўшимчалар мавжуд эмас.

Харидлар комиссиясининг раиси Харидлар комиссиясининг регламентини мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш масаласини овозга қўйди.

**Овозга қўйиш:**

Розилар	5 киши,
Қаршилар	йўқ,
Бетарафлар	йўқ.

Комиссия аъзолари томонидан “бир овоздан” маъқулланди.

Шундан сўнг, 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича комиссия аъзолари талабгор ташкилотлар малакасини баҳолашда қўйиладиган талаблар билан танишиб чиқди.

Шундан сўнг комиссия аъзолари объектларнинг Энг яхши таклифларни танлаш савдоларига иштирок этиш учун талабгорлар объект бошланғич қийматидан 3%лик кафолат сўммани “Ўзбекистон республика товар-ҳом ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан таъминлаши келишиб олинди.

Харид комиссияси раиси Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини келишишни овозга қўйди.

**Овозга қўйиш:**

Розилар	5 киши,
Қаршилар	йўқ,
Бетарафлар	йўқ.

Комиссия аъзолари томонидан “бир овоздан” маъқулланди.

Бундан ташқари, комиссия аъзолари Энг яхши таклифларни танлаш эълонларини махсус ахборот порталига жойлаштириш муддати тўғрисида масалани муҳокама қилдилар.

Харидлар бўйича комиссия раиси \_\_\_\_\_ дастурларни ўз вақтида бажариш мақсадида 5 иш куни махсус ахборот порталида Энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида эълон туришини таклиф қилди.

Энг яхши таклифларни танлаш савдолари ҳақидаги эълонни 5 иш кунига махсус ахборот портали [harid.uzex.uz](http://harid.uzex.uz) да бериб бориш келишиб олинди.

Юқоридаги таклифларни Энг яхши таклифларни танлаш савдолари жараёнида қўллаш учун Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси раиси комиссия аъзолари ўртасида овозга қўйди.

**Овозга қўйиш:**

Розилар	5 киши,
Қаршилар	йўқ,
Бетарафлар	йўқ.

Комиссия аъзолари томонидан “бир овоздан” маъқулланди.

Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларидан келиб чиқиб объектнинг Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини ўрганиш натижаларига кўра,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча объектлар бўйича ғолиб Лойиҳачи ташкилотларни аниқлаш мақсадида Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари намунаси келишилган деб ҳисоблансин ва 2-иловага мувофиқ Энг яхши таклифларни танлаш савдолари қатнашчиларининг малақасини техник ва молиявий баҳолаш талаблари тасдиқлансин.
3. 2022 йилда жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлаш савдоларида иштирок этиш учун объектнинг бошланғич қийматидан 3%лик кафолатланган кафолат миқдори тасдиқлансин.
4. Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида 2022 йилда жорий таъмирлаш бўйича ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча объектлар бўйича ғолиб Лойиҳачи ташкилотларни аниқлаш мақсадида тасдиқланган манзилли рўйхатлар асосида Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжати намунаси асосида Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжати тайёрланиб, Энг яхши таклифларни танлаш савдолари ҳақидаги эълонни махсус ахборот портали [xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz) сайтига жойлаштириб борилсин.

**Юқоридагиларни тўғри деб имзо чекувчилар:**

**Комиссия раиси:**

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
бош муҳандиси:


 С.Н.Маликов.

**Комиссия аъзолари:**

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Инфратузилма объектларидан фойдаланиш  
бўлими бошлиғи:

 А.И.Баратов.


Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Техника хавфсизлиги муҳандиси:

 Б.Б.Жўраев

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Ободонлаштириш объектларини сақлаш  
бўлими техниги:

 М.А.Тошбоев.

Бўка туман Ободонлаштириш бошқармаси  
Кўкаламзорлаштириш ишчиси:

 Д.И.Исмоилова

**Котиба:**

 Н.С.Ражабова